


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

Абдуллаев Б. Берунийнинг “Тафҳим” асари Душанбе факсимиле нашри хусусида баъзи мулоҳазалар 3
Абдухалимов Б. Формуляры по семейному праву из энциклопедии Абу Хафса ан-Насафи 12
Каримова Н. Сведения “Шуюй Чжоуцзылу” Ян Цзунцзяня по исторической географии Центральной Азии 24

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Бобоёров Ғ., Сувонкулов М. “Турк” этнографик гуруҳи билан боғлиқ қарашларнинг назарий муаммолари..... 34
Остонов Ж. Француз шарқшунослик мактаблари ва уларнинг тадқиқот объектлари..... 48
Воҳидова К. Фарғона водийси жадидларининг газетани аҳамияти ҳақидаги мулоҳазалари 68

ҲУЖЖАТШУНОСЛИК

Мирзаева М. Шайбонийлар даври туркий ёрликлари хусусида *(Короскон саййидлари ҳужжатлари)*..... 79

ИСЛОМШУНОСЛИК

Муҳаммадаминов С. ЎзР ФА ШИда сақланаётган мўғуллар даврига оид “Фатаво ал-Кабирий” қўлёзма асари ва унинг нусхалари 96

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

Исмоилова Ж. Тарих зарварағида Тўмарис сиймоси 113

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Мадалиева О. “Бадойиъ ал-бидоя” девонининг тузилиши Алишер Навоий шеърияти тарихида муҳим ҳодиса сифатида 125

ИЛМИЙ ЯНГИЛИК

Усмонов И. ЎзР ФА ШИ фонди № 9027 қўлёзма мажмуасидаги Ҳаким Термизийга мансуб рисола ҳақида 146

ЖАҲОН ОТИН УВАЙСИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 245 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

Эшонова С. Увайсий девони қўлёзмаси ва нашрларининг матний қиёсида аниқланган дастлабки янгиликлар..... 156

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Абдухалимов Б., Камолиддинов Ф. Центральная Азия и Совет сотрудничества арабских государств Залива – в меняющемся миропорядке 174

Акрамова Ш. Социально-экономическая ситуация в КНР после «Культурной революции» 184

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2024 йил 3 майдаги мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия этилди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)

Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)

Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)

Акрам Ҳабибуллаев
(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Баҳтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин (Германия)
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек (Туркия)
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Тошов Нурёғди
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
***Телефон**: (8 371) 262-54-61,*
***Факс**: (8371) 262-52-77*
***E-mail**: beruni1@academy.uz*

30.10.2024 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 $^{1}/_{16}$. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 12,37. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №:27-24. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриётида нашр этилди.

ИСЛОМШУНОСЛИК

С. Муҳаммадаминов

ЎзР ФА ШИда сақланаётган мўғуллар даврига оид “Фатаво ал-Кабирий” қўлёзма асари ва унинг нусхалари

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти (ЎзР ФА ШИ) фондида ноёб қўлёзмалар сақланишини кўплаб олимлар эътироф этиб келишган. Уларнинг аксариятини ислом илмлари, ислом ҳуқуқига оид асарлар ташкил қилади. Олимларнинг таъкидлашича, Ўрта Осиё ҳанафий уламолари яратган фиқҳий асарларини ўрганиш кўп ҳолларда хануз уларнинг рўйхатини шакллантириш ва нашрга тайёрлаш босқичида, яъни эвристик тадқиқотлар доирасида қолмоқда [11: 6]. Шу билан бирга, ушбу адабиётларни ҳисобга олмасдан минтақавий ҳанафийлик мактабидаги фиқҳ илми тарихининг умумий манзарасини тиклашдаги уринишлар бирёқлама натижаларга олиб келиши мумкин. Гарчанд охирги йилларда Ўзбекистонда ҳанафийлик мазҳаби тарихи бўйича бир қатор илмий ишлар амалга оширилган бўлса-да [11: 6–7], мўғуллар ва ундан кейинги давр фиқҳига оид қўлёзма асарлар ҳамон ўз тадқиқотларини кутмоқда[1].

Шу боис, мақолада айнан мўғуллар даврида тузилган ва минтақамиздаги ҳанафия фиқҳига оид “Фатаво ал-Кабирий” (“Кабирий фатвоси”) асарига тўхталишни мақсад қилдик. Асар муаллифи Кабир ибн Кабир ибн Кабир ад-Дизақий ас-Самарқандий (XIV аср). ЎзР ФА ШИ асосий фондида асарнинг тўртта қўлёзма нусхаси мавжуд. Бу нусхаларнинг барчаси СВР каталогида тавсифи амалга оширилган, лекин даврини аниқлашда айрим камчиликлар

[1] Ўзбекистон мустақиллигининг иккинчи декадасидан бошлаб мўғуллар даврига оид фиқҳий асарлар устида бир неча тадқиқотлар амалга оширилган: [3; 12; 2].

кўзга ташланади [15: 5853–5856]. Асар ўзида муаллиф исми шарифи “Кабир ибн Кабир ад-Дизақий Самарқандий шаклида берилган. “Кабир” исми Мовароуннаҳрда учрамайдиган исмлардан биридир. Асарнинг қўлёзмасини тавсиф қилган Д. Вороновскийнинг (1908–1984) таъкидлашича, муаллиф “Кабир” (катта, улкан) исми гўё унинг зодагон наслидан келиб чиққанини кўрсатади. Бу сўз Мовароуннаҳр мўғулларгача бошқарган ҳукмдорлардан бирининг тахаллуси бўлиши мумкин, муаллиф эса тўлиқ исмини махфий бўлиб қолишни истаган [15: 5853]. Мусулмон оламида одатда “Кабир” исми асосан ота ва ўғлига қўйилган бир хил куняларга қўшиб отасига “кабир” (катта) ва ўғлига нисбатан “сағир” (кичик) сифати билан исмга қўллаб келинган. Масалан, Абу Ҳафс ал-Кабир ва унинг ўғли Абу Хафс Сағир деган ном билан танилган. Юқорида тилга олинган Кабир ибн Кабир фақиҳнинг исми Мовароуннаҳрда мўғуллар даврида яшаган фақиҳлар исмлари силсиласида учрамайди.

Муаллифнинг Дизақий нисбаси бу Уструшананинг учинчи катта шаҳри *Дизак* демакдир [19: 277]. Ёзма манбаларда кўчманчи чорвадорлар яшаган чўл – “ўғизлар юрти” билан чегарадош бўлган Фағнон рустоқи ва унинг асосий шаҳри *Дизак* ҳақида маълумотлар учрайди [4: 244; 10:95; 14: 243]. Юнон солномачилари эса бу ҳудудни *Газо* деб атаб, уни алоҳида тилга оладилар. Археологлар *Газо* шаҳрининг ўрнини аниқ ва асосли тайин этмасалар-да, манбаларда уни Самарқанд ва Тошкент оралиғида жойлашгани айтилади [17: 591]. Топономист олимлар Жиззах номини суғдийча “*Дизак*” (“қалъача”) *диз* – “қалъа, истеҳком қўрғон”, *ак* – “ча” кичикликни билдирувчи қўшимча, деб таъриф берадилар [5: 62].

ЎзР ФА ШИда сақланаётган Кабир ибн Кабир ад-Дизақийнинг “Фатаво ал-Кабирий” асари қўлёзма нусхаси дунёнинг бошқа фондларида учрамади. Демак, унинг қўлёзма нусхалари ҳозирча фақат Ўзбекистонда мавжуд бўлиб, унинг тарқалиши ҳам Мовароуннаҳр ҳудуди билан чекланган, дейиш мумкин. Мазкур асар ва муаллифи ҳақида маълумотлар био-библиографик асарларда учрамади. Асар муаллифи яшаган даври ҳақида аниқ маълумот бўлмаса-да, Д. Вороновский қўлёзма матни билан танишиш жараёнида икки ўринда аниқлаган 790/1388 санадан келиб чиқиб муаллиф яшаган даврни Мовароуннаҳрни 1360 йилдан бошқарган Туғлуқ Темур (1348–1362) ва

унинг ўғли Илёсхожа (1362–1389), сўнг Амир Темурнинг (1370–1404) илк бошқарув йилларига тўғри келишини тахмин қилган [15: 5853]. Бироқ қўлёзмани қайта кўриб чиққанимизда унда қайд қилинган мазкур сана 790 ҳижрий йил эмас, балки 719/1319 й. деб ёзилгани маълум бўлди [6: 325*б*, 330*а*; 8: 263*а*]. Асарни ўрганиш жарёнида унда яна айрим фатволарнинг санаси берилганига гувоҳ бўламиз. Улар: рабиъ II 717/1317 й, июнь [9: 109*а*], сафар ойи 720/1320 й, март-апрель [6: 312*а*; 8: 244*а*], 729/1328–29 [6: 323*б*; 8: 248*б*], 726/1325–26 [6: 248*а*]. Мазкур саналардан келиб чиқиб муаллиф юқорида келтирилган ҳукмдорлар давридан анча илгари яшаган дейиш мумкин.

“Фатаво ал-Кабирий” асарида масалалар савол-жавоб шаклида форс ва араб тилида ёзилган. Савол форс тилида, жавоб араб тилида манбаларга ишора қилинган ҳолда баён қилинган. Саволлар асосан арабий формада “суъила” (“сўралди ...”), гоҳида “ма қавлуҳу ...” (“бу ҳақда нима дейишди”), баъзида форсча “дар ин суратҳо агар” (“бу суратда агар ...”) каби сўз ва иборалар билан бошланиб охирида кўп ҳолатда “шуд ё на”, “бошад ё на” (бўладими ёки йўқ?) каби жумлалар билан саволга якун ясалади. Жавоб шакли эса “Ажāб” (“жавоб берди”) сўзи билан бошланиб “на” (йўқ) ёки “бошад”, “расад” (бўлади) каби қисқа жавоб билан тугатилса-да, ундан сўнг араб тилида кенгайтирилган шарҳи келтирилади. Матннинг айрим ўринларида фиқҳий масалалар савол-жавоби араб тилида баён қилинса-да, улар асарда кам учрайди.

“Фатаво ал-Кабирий”нинг таркибий тузилиши анъанавий фиқҳий асарлар каби муқаддима ва асосий қисмдан иборат. Муқаддимада муаллиф бошқа фиқҳий асарлардан фарқли равишда ўз даврида юз берган вазиятни, мўғуллар келгандан кейин Самарқанд вилоятидаги ҳолатни қуйидагича тасвирлайди: *“... Самарқанд вилоятида зулм ва ёвузлик ошкор бўлди. Адолат ва эҳсон эшиги ёпилди. Кофирлар ўз қўли билан бизнинг юртимизни эгаллаб олди. “Аллоҳ уларни қаттиқ ушлаш билан ушлади (қаттиқ азоблади)” ва уларни изини қолдирмасин. Зодагонлар (хослар) баланд тоғларда ўрнашиб олди. Омма ҳалқ эса қочган қуллар каби диёрдан қочишди. Самарқанд диёри олийжаноб уламо ва фақиҳлардан бўшаб қолди. Бу ерда фақат қариялар ва заифалар, мискину ва фақирлар қолишди. Мен улар билан бирга янги масжидда парокандаликда ва очликда кун кечирдим... Сўнг у ердан*

чиқиб ватаним ва масканимга йўлга чиқдим. Манзилимга етиб ва жойимни топганимдан кейин у ерда маҳаллий халқ орасида диний масалалар юзага чиқди. Ва шаръий нозил бўлган ҳукмлар улар орасида юзага келди" [17: 69:10].

Келтирилган маълумотлардан маълум бўладики, мўғуллар даврида (1221–1370) Мовароуннаҳрнинг айрим шаҳарлари, жумладан, Самарқанд ва унинг атрофидаги йирик шаҳарлари катта талафот кўрган. Шунингдек, муаллиф асарнинг кириш қисмида ҳудудда малакавий фақиҳларнинг етишмаслиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтган: *"...Одамлар масалаларни сўраб олиш учун катта уламоларни топишмади ва бу соҳада ким бор эканини ҳам билишмади. Шундан сўнг менга мурожаат қилишди ва мендан фатво сўрашди, баъзилари ожиз қолди. Таҳликали давр бўлгани учун менга фатво бериш эҳтиёж туғилди. Уларни рад қилишдек ва саволларига жавоб бермасликка Худодан ҳаё қилдим. Мана шу ҳақда Аллоҳга истихора намозини ўқидим ва унинг [Аллоҳнинг] ёрдамига суяндим. Сўзи ва амалда хато ва камчиликлардан сақалашини сўрадим. "Бизга Аллоҳнинг ўзи кифоя. У вакилликка ўта лойиқдир*" [17: 3:173]. *Шундай қилиб, мен Билувчи, Кўрувчи ва Эшитгувчининг тавфиқи билан бу мушкул ишга киришдим, агар менга фатволар келса, менда сақланиб қолган ривоят бўлса, жавоб бермаган бўлсам ҳам ривоят бор. Агар менга бир фатво рўбарў бўлса, унинг жавоби сақланиб қолган бўлса шу билан жавоб бердим. Ва агар унинг жавоби менда сақланмаган бўлса, унда (тегишли) ривоятларни изладим. Агар топсам жавоб бердим ва агар бўлмаса очиқ қолади. Шунингдек, қулай ва оғир шароитларда келган баъзи фатволарни менга ва машойиҳларимга нақл қилинган ривоятлар билан бирга жамладим"* [9:188*б*][1].

[1] Бу ерда асл матннинг ўзбекча таржимасини беришда асосан мазмунига эътибор берилди. Асл матн: (1) الله احمد على ما ارشد وهدى، واظهر من اسمائه الحسنى وصفاته العُلى، والصلوة على محمد (2) المصطفى خاتم الأنبياء، وعلى آله واصحابه الاصفياء، وسلم تسليما كثيرا كثيرا. وبعد (3) يقول العبد الراجي غفور به وغفرانه كبير بن كبير الديزقي تاب الله عليه وغفر له ولوالديه، (4) لقد تبيّن في كوّرة سمرقند طريق الظلم والعدوان، انغلق باب المعدلة والاحسان (5)واستولى مخا ذيل الكفار على بلادنا هذه، اخذهم الله اخذةً رابيةً، ولا بقى لهم باقيةٌ، تحصّن الخواص(6) بالجبال الشوامخ والشواهق، وفرّ العوام من البلدة فرارا كفرارا الآبق، دَخَلتْ كورة سمرقند (7) من الأئمة العظام، والفقهاء الكرام، وبقي فيها الشيوخ والضعفاء ،والمساكين والفقراء(8) ومَكَثْتُ معهم فيِ المَسجد الجامع الحديث، مع التشعيث، والتعريث، حتى اصبح زناد اهل (9) الاسلام واريا، ولواء اهل الشرك متواريا، خنس وطمس، ظلمة الظلم والبطلا ، و (10) حصحص واستبان نور الامن والامان ، بين اهل الايمان، خرجت منه وقصدت الموطن المعطوف، والمسكن المالف، فلما بلغت منزلي، وصللت مكاني، فوقعتْ بينهم المسايل الدينية، والنوازل الشرعية، ولم يجدوا (11) من كبار العلماء، ولم يروا من فضلاء العظماء، حتى يسألوا عنهم فرجعوا اليّ واستفتى عنّى، بعضهم للعجز فقلت (12) ان زماناً أُحتج فيه اليّ للفتوى لزمان سَوْءٍ، فاسْتحي من الله ان اَرُدّهم ، ولم

Юқоридаги маълумотлардан кўриб турганимиздек, муаллиф юртда олимларнинг етишмаслиги ва инсонлардан келиб тушган саволларга имконият даражасида жавоб бергани ҳақида муҳим маълумот қолдирган. Саволларга жавоб беришда шу заминда сақланган, яъни уламолар томонидан ишлаб чиқилган фатволарни (ривоятлар) топиб ва шу асосда жавоб беришга ҳаракат қилган. Муаллиф юртда уламоларнинг етишмаслиги ҳақида тўхталган. Буни Мовароуннаҳрга мўғуллар истилоси туфайли кўплаб олимлар ўзга юртларга кўчиб кетгани билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, асардан инсонлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни тиклаш жараёнида муаллиф юртимиздан ўтган ҳанафий олимларнинг асарлари ва анъаналаридан фойдаланганини баён қилмоқда.

“Фатаво ал-Кабирий” таркибий тузилмасига эътиборни қаратсак. Асар “*таҳорат*” бобидан бошланиб “*васият*” китоби билан тугаган. Улар: *таҳорат, намоз, закот, рўза, никоҳ, талоқ, қулни озод этиш (итоқ), қасам ичиш, жазо, харбий юриш (сийар), ғасб ва таъминот, омонат, молк-мулкни фойдаланишга бериш, ижаралар, савдо сотиқ, гаров, иқрор, ваколат, кафолат, сулҳ, даъво, гувоҳликлар, қисма (умумийликда бўлган мулкни улушларга бўлиш), совға бериш, шериклашиб экин экиш ва ҳосилни бўлиш (музореъ), мудораба ва шерикчилик, жонзотларни сўйиш, бедарак йўқолганлар, жиноятлар, васият* каби мавзудаги боблардир (китоб) [9: 189а–232а]. Умумий ҳисобда 30 та мавзу(китоб)ларни ўз ичига олган. Одатда кўплаб ҳанафий фиққига оид асарларда 50 га яқин мавзуларни қамраб олган. Лекин мазкур фатво асарида анъанавий фиққий китобларда мустаҳкам ўрин олган *ҳаж, вақф, ов китоби, қурбонлик қилиш, сотиб олиш ҳуқуқида бошқалардан устунроқ бўлиш ҳақида (шуфъа), мажбурлаш, қарамоғига олиш, қисман эркинлик берилган қуллар боби, қози китоби, йўқолган бола, қочқин қуллар, истеҳсон ёки кароҳия, ичимликлар, ўғрилик, хароб ва нообод ерларни обод қилиш* каби боблар ўрин олган эмас. Эҳтимол, бу масалалар билан муаллиф рўбарў келмаган бўлиши мумкин. Иккинчидан айрим масалалар, хусусан, “ҳаж” масаласи муаллиф яшаган даврида мусулмонлар учун ҳажга бориш йўллари

أُجبْ لهم فاستخرتُ الله تعالى (13) في ذلك واستعنته عليه، واستعصمته عن الزلل والخلل في القول والعمل، وهو حسبنا ونعم الوكيل، فشرعت في هذا الامر الفجيع (14) الفريغ بتوفيق العليم البصير السميع، فان وَرَدَ الفتاوى اليَّ ان كان لي، رواية محفوظة فاجبت وان لم يكن لي روايةٌ (15) محفوظةٌ فطلبت الروايةَ ان وجدت فاجبتُ والاّ فلا فجمعت بعض ما ورد من الفتوى في حالة العُسْر واليُسْر مع الروايت (16) المحفوظة بذكرة لي ، لمشايخ رحمهم الله.

хавф-хатардан ҳимояланмаганлиги ва инсон ҳаётига хавф солганлиги туфайли акс этмаган. Шунингдек, бу даврда одамлар қўшимча мулкини вақф қилиш ҳолатида бўлмагани ва умуман ҳудудда иқтисодий турғунлик бўлгани сабабли вақф масаласи ва бунга ўхшаш масалалар мазкур фатво тўпламига киритилмаган кўринади.

“Фатаво ал-Кабирий” қўлёзма асаридан ўрин олган фатволар ададини мавзулар кесимида ўрганиб чиққанимизда улар ўртасида фарқлар кўзга ташланади.

Қуйидаги жадвалда ЎзР ФА ШИда сақланаётган “Фатаво ал-Кабирий” асарининг тўртта қўлёзма нусхасидан ўрин олган мавзуларда келган фатволар ададі берилган.

Боблар	**№3185 (126*б* –224*а*)**	**№3132 (188*б*–232*а*)**	**№2574 (292*б*–354*б*)**	**№1544 (213*б*–280*б*)**
Таҳорат	15	15	17	11
Намоз	22	22	23	23
Закот	16	16	18	17
Рўза	9	9	8	9
Никоҳ	26	31	40	30
Талоқ	39	55	50	40
Итоқ (қулни озод этиш)	10	13	19	17
Қасам ичиш	14	12	19	17
Ҳудуд (жазо тайинлаш)	8	9	10	8
Китоб ас-сиёр (харбий юриш масаласи)	10	13	11	12
Китоб ал-ғасб ва ад-димон (Ўзлаштириш, тортиб олиш ва товон тўлаш)	50	77	88	57
Вадиа (омонат)	7	10	13	9
Орият (молк мулкни фойдаланишга бериш)	5	6	10	6
Ижара	35	46	52	40
Баъй (савдо масаласи)	59	71	78	80
Раҳн (гаровга қўйиш китоби)	17	16	21	14

Иқрор	13	10	16	10
Ваколат (вакиллик)	9	9	9	7
Кафолат (кафил бўлиш)	8	10	8	8[1]
Сулҳ	16	16	16	14
Даъво	29	29	27	24
Гувоҳлик	16	17	16	15
Қисмат (улушини тақсим қилиш)	13	13	11	11
Ҳиба (Совға бериш)	15	12	10	9[2]
Музораъ (шериклашиб экин экиш ва ҳосилни бўлишиш ҳукмлари)	14	14	14	10
Мудораба (тадбиркорликда шерикчилик)	10	9	10	10
Забоиҳ (жонзот сўйиш)	6	4	5	3
Мафқуд (йўқолган одам ҳақида)	6	5	4	4
Жиноят	14	17	19	13
Васият	5	4	4	3

Жадвалдан кўриниб турибдики, асар нусхалари ўртасида айрим мавзуларда, жумладан, *баъй, талоқ, ижара, ғасб (тортиб олиш)* каби бобларида фатволар сонида ўзаро тафовутлар яққол кўзга ташланади. Нусхалардаги қолган мавзуларда ўрин олган фатволар ададида катта фарқ кузатилмаса-да, лекин учрайди. Шунга қарамасдан асрлар давомида кўчирилган мазкур асар нусхаларидаги матнларнинг дахлсизлиги сақланиб қолмаган. Яъни матнларга муайян ўзгаришлар, қўшиш ёки тушириб қолдириш ҳолатлари кузатилади. Бундай ҳолат ҳар доим ҳам фиқҳий асар ва фатво тўпламларда учрамайди. “Фатаво ал-Кабирий” асари нусхаларида айнан қандай масалалар тушиб қолган ва қўшилганини аниқлаш учун ушбу қўлёзма нусхалари ўртасида ўзаро чуқур қиёсий танқидий матн тадқиқини олиб бориш лозим бўлади.

[1] Мазкур нусханинг 267, 268, 269 варақлар кетма-кетлиги бузилган. Аслида 267, 269, 268 тартибда бўлиши керак.

[2] Ушбу нусханинг 268 ва 269 варақлари ўртасида лакуна бор.

“Фатаво ал-Кабир” асарининг муаллифи асарни ёзишда, асосан, маҳаллий ҳанафий мактаб вакилларининг манбаларидан фойдаланган. Кабир ибн Кабир ад-Дизақий мазкур асарни яратишда 50 дан ошиқ манбаларга ишора қилганини кўрамиз. Улар: “Шарҳ Таҳовий” [9: 209*б*], “Воқиъот Ломиший” [9: 210*а*], “Фусул ал-Уструшоний” [9: 210*аб*], “Захира” [9: 210*а*], Ибн Самоъа “Мунтақий” асари [9: 210а], Фатаво “Қозихон” [9: 210*а*], “Мажмуъ ан-Навозил” [9: 210*а*], “Ҳидоя” [9: 210*аб*], “Муҳит [ал-Бурҳоний]” [9: 210*б*], “Усул ал-Марсаман”даги (المرسمندكي) [9: 210*б*], “Фавоид Абу Ҳафс ал-кабир” [9: 210*б*], “Зоҳир ар-ривоя” [9: 211*а*], “Фатово ал-Ўзжандий” [9: 211*а*; 8: 220*а*], “Фатаво ад-Динорий” [9: 211*а*, 215*а*], “Хулоса [ал-фатаво]” [9: 211*а*], “Фатаво аз-Заҳирийа” [9: 211*а*], “Завоид ал-мажмуа” [9: 211*б*–212*а*], “Фавоид шайх ал-ислом Бурҳониддин” [9: 212*б*], “Фи фатаво Рашидиддин” [9: 213*б*, 214*б*, 220*б*, 225*б*], “Жавоҳир ал-Аҳком” [9:213*б*,229*а*], “Фатово суғро” [9: 213*б*], “Қози ал-Имом Абу Абу Али ан-Насафий”, “Қози ал-Имом Жалолиддин, ал-Қози ал-Имом Жамолиддин ар-Риғдамуний, ал-Қози ал-Имом Садр ал-ислом Абу ал-Йуср ва ал-Қози имом Фахриддин, ал-Қози ал-имом Рукниддин, ал-Қози имом Жамолиддин ар-Риғдамуний, “Фавоид соҳиб ал-Муҳит” [9: 214*а*], “Мухтасар ат-Таҳовий” [9: 214а, 226*б*], “Мухторот ас-Садр аш-Шаҳид”, “Мухтасар ал-Қудурий” [9: 215*а*], “Фавоид аз-Заҳирийа” [9: 215*б*], “Тажрид” [9: 215*б*, 219*а*], Шайх ал-ислом Али ибн Абдулваҳҳоб, аш-Шайх ал-Имом Алоуддин, Шайх ал-Имом Минҳожиддин каби олимларнинг фатволари, “аз-Зиёдот” [9: 219*б*, 231*а*], “Фатаво ал-Уттобий”, “Жавомиъ ат-Уттобий” [9: 219*б*], “Кифоят аз-Заҳира” [9:222*а*], “Татиммат ал-фатаво” [9: 220*б*, 222*б*], “Жомиъ ас-сағир” [9: 224а], “Мажмуъ ан-Навозил” [9: 225а], “Фавоид ал-Ўзжандий” [9: 225*б*] “Фатово аз-Захирий” [9: 228*а*], “Жавомиъ ал-фатово” [9: 229*б*], “Фавойид Шайх ал-ислом Низомиддин”, “Фатово Умар ан-Насафий” [9: 231*б*], “Воқеот Ломиший” [6: 326*б*], “Фатаво ал-Валволижий” [8: 220*а*] каби асарлардир. Бундан ташқари, муаллиф кўп ўринларда саволларга жавоб беришда “Бу масалага устозим жавоб берган фатвосини кўрганман” (رايت فتوى اجاب عنها استاذي) деган қайдларни кўплаб учратамиз. Афсуски, муаллиф ўз устозининг исми ва манбасини ҳам ҳеч бир ерда зикр қилмаган. Муаллиф манбалар ичидан кўпроқ “Фатаво ад-Динорий” асарига мурожаат қилган. “Фатаво ад-Динорий” асари муаллифи Алоуддин ад-Динорий Абу Бакр ал-Ҳасан ас-Самарқандийдир (1123–1197) [1: 185].

“Фатаво ад-Динорий” асар мутахассисларнинг фикрига кўра, ҳанафий мазҳабидаги форс тилида ёзилган қадимий асарлардан бири ҳисобланади [15: 5849–5850].

Мавжуд “Фатаво ал-Кабир” асарининг тўртта қўлёзма нусхаси алоҳида жилд шаклида эмас, балки бошқа асарлар билан бирга, тўпламлар таркибидан ўрин олган. Тўпламлар ичида бир неча асарларнинг жам бўлиши улар ўз навбатида фойдаланувчига (муфтий, қози, мударрис ва илми толиб) “кичик кутубхона” вазифасини бажарган. Уларни кўздан кечирар эканмиз, Кабир ибн Кабирнинг “Фатаво ал-Кабирий” асарининг бошқа асарлар қаторида мавжудлиги кейинги даврларда ҳам унга бўлган талаб эҳтиёжи сўнмаганини кўрсатади. Қуйида тўпламлар таркибида “Фатаво ал-Кабирий” ва у билан бирга қандай асарлар ўрин олганини кўриб чиқамиз. Бу бизга “Фатаво ал-Кабирий” асарини даврлар давомида қайси асарлар билан кўчирилгани ва фойдаланувчилар қандай ўзлаштирганини кўрсатади.

“Фатаво ал-Кабирий” асарининг № 3132 рақамли қўлёзмаси нусхаси мажмуа таркибидан ўрин олган, унда учта асар мавжуд. Биринчиси, Шайбонийлар даврида Самарқанднинг катта муфтийси Муҳаммад ибн Бобонинг (XVI) фатвога оид “Фавоид ас-Самарқандий” асари қўлёзма нусхаси. Бу нусха шаъбон ойи 1005/1597 йил март ойида Хожам Берди (Шибирғоний) томонидан кўчирилган. Тўпламдан ўрин олган иккинчи асар Кабир ибн Кабиртад-Дизақий “Фатаво ал-Кабирий” қўлёзма нусхаси бўлиб, у Мутаҳҳир ибн Мир Муҳаммад томонидан 6 рабиъ ас-соний 1046/1636 йил 7 сентябрда кўчирилган. Қўлёзманинг 188*а*–232*а* варақларида жойлашган, умумий ҳажми 45 варақ. Мажмуадаги учинчи асар қозилик ҳужжатларини расмийлаштиришга бағишланган Қози Ихтиёриддин Ҳасан ибн Ғиёсиддиннинг (ваф. 927/1520 ёки 928/1521) “Мухтор ал-ихтиёр” китобидан парча бўлиб, унда *васиқа, сижилл ва махдар*лардан иборат намуналар келтирилган (вв. 235*б*–238*а*). Унинг умумий ҳажми 7 варақ (вв. 232*б*–238*а*). Асарлар дастхати, яъни настаълиқ хати, котиби ва кўчирилган санаси билан фарқ қилади. Қўлёзманинг кўплаб варақларига бодомсимон шаклдаги муҳр урилган. Унда Хожа Порсо ибн Маҳмуд ал-Бухорий 1224[1809 йил] ёзуви бор.

“Фатаво ал-Кабирий” асарининг навбатдаги №2574 рақамли қўлёзма нусхаси ҳам тўплам таркибида бўлиб, унда умумий ҳисобда

4 та фиқҳий асар жамланган. Улар: Мавлоно Али Хоразмийнинг (XVI аср) “Фатаво аш-Шайбоний” асари тўпламнинг 156 (вв. 1*а*–156*б*) варақларидан ўрин олган. Иккинчи асар Муҳаммад Амин ибн Абдуллоҳ ал-Муъминободийнинг (XVI аср) “Фатавои Аминийа” асари 158*б*–291*б* варақларидан ўрин олган. Бу икки асарнинг охири йўқ. Тўпламдан ўрин олган учинчи асар биз ўрганаётган Кабир ибн Кабир ад-Дизақийнинг “Фатаво ал-Кабирий” асари (вв. 292*б*–354*б*) бўлиб, унинг колофонида “Кабир ибн Кабирийнинг “ал-Масойил ал-йасир”[1] (“Енгил масалалар”) асари, у 1005/1596 йилда кўчирилган, деган қайд берилган. Демак, асарнинг иккинчи номи “ал-Масойил ал-йасир” деб юритилган. Мажмуанинг тўртинчи форсий фиқҳий асари “Сиздаҳ ганж” (“Ўн уч хазина”) муаллифи ҳазрат Қози Азизон Шайбоний Убайдуллахон (1533–1539) даврида Бухоро шаҳрининг қозиси бўлган [15: 5879]. Асар муаллифи таъкидлашича, “Ривоят маъмула”, яъни умумий қабул қилинган ривоятларгина киритилган. Асар Муҳаммад Кабир ал-муфтий ар-раис томонидан кўчирилган бўлса-да, у қачон ва қаерда кўчирилгани ҳақида маълумот ёзилмаган. “Сиздаҳ ганж” асари палеографик жиҳатдан ўрганилганда ҳамда тўпламдан ўрин олган бошқа асарларнинг кўчирилган йилига қараб бу асарни XVI асрда кўчирилган деган фикрни илгари суриш мумкин. Қўлёзмани кўчирган одам ислом қонунчилигида ишлаб турган муфтий бўлган.

“Фатаво ал-Кабирий” асарининг 3185-рақамли қўлёзма нусхаси ҳам тўплам таркибида бўлиб, картотекадаги маълумотга кўра, унда учта асар ўрин олган. Лекин тўпламни ўрганиш чоғида унда еттида асар мавжудлиги маълум бўлди. Биринчи асар ҳадисга оид Абу-л-Лайс ас-Самарқандийнинг “Бўстон ал-орифин” (“Орифлар бўстони”) асари. Асарнинг умумий ҳажми 125 (вв. 1*б*–125*а*) варақ. Палеографик жиҳатдан ўрганилганда қўлёзманинг 1–19 ва 76–115 варақларидаги хати ва қоғози бошқа варақлардан кескин фарқи кўринди. Асарнинг биринчи қисми варақлари юпқароқ, хати анча чиройли насхда ёзилган бўлиб, у 1125/1713 йилларда кўчирилган. Иккинчи қисми 20–75, 116–125-варақларни ўз ичига олган бўлиб, уларнинг қоғози қалин ва хати йирик таълиқда ёзилган. Колофон қисмида нусха 795/1393 мартда

[1] Йасир (اليسير) сўзи мазкур қўлёзмада “اليصير” шаклда келган. Аслида “اليسير” бўлиши керак. Мазкур асарнинг ЎзР ФА ШИ 3185 рақамли қўлёзмада шу сўз اليسير деб тўғри қайд қилинган.

кўчирилгани, котиби Тоҳир ибн Муҳаммад ибн Сирожиддин ибн Сулаймон ибн Ҳасан ибн Ҳусайн ал-Амикроний (!) экани қайд этилган [7: 125*б*]. Тўпламдаги иккинчи асар Кабир ибн Кабир ал-Дизақийнинг “Фатаво ал-Кабирий” асари, умумий ҳажми 98 (вв. 126*б*–224*а*) варақ бўлиб, У ҳам қоғоз, ҳам хат шакли жиҳатидан фарқ қилади [15: 5853]. Масалан 126–198 варақларидаги қоғозлари қалин, таълиқ хатида битилган ва шу қисми 795/1393 йилда кўчирилган. 199–224 варақлари қоғози очроқ ва юпқа, хати ҳам анча чиройли ёзилган ва колофондаги маълумотга кўра асар 1125/1713 йилда Соқий Муҳаммад ибн мавло Муҳаммад Амин Санжий томонидан кўчирилган. Демак, қўлёзманинг нуқсон теккан қисми 320 йил ўтиб қайта кўчирилиб тикланган. Тўпламдан ўрин олган учинчи асарнинг шартли номи [“Фавоид мутафарриқа”] (“Турли фойдали нарсалар”) бўлиб, умумий ҳажми 5 варақдан иборат. Қўлёзма асар колофонида нусха 826/1422 йилда Шамсиддин томонидан кўчирилгани қайд этилган. Мажмуадаги тўртинчи асар Абу ал-Муъин Маймун ан-Насафийнинг (437/1046–508/1114 й.) “Тамҳид би қавоид ат-тавҳид” (“Тавҳид қоидаларига муқаддима”) бўлиб, унинг тўлиқ қисми сақланмаган, боши мавжуд эмас. Умумий ҳажми 19 (вв. 231а–249а) варақ. Колофонида қуйидаги маълумот берилган: *Бу қоралама 18 ражаб ойи шанба куни кечаси 739/1338 йилнинг 30 январида тугатилган*. Тўпламдаги бешинчи асар дуога оид “Калима аш-Шаҳодат” бўлиб, умумий ҳажми 10 (вв. 250б–259а) варақни ташкил қилади. Асар охирида колофон берилмаган бўлса-да, унинг хати ва қоғозига қараганда олдинги асардан фарқ қилмагани учун уни ҳам 739/1338 йилда кўчирилган дейиш мумкин. Мажмуадаги олтинчи асар “Салас ал-масойил фи сифат Аллоҳ” (“Аллоҳнинг сифати ҳақида учта масала”), ҳажми 4 (вв. 259*б*–262*б*) варақ. Мажмуадан ўрин олган еттинчи асар “Қалоид ал-маржон” (“Марварид дурдоналари”) бўлиб, умумий ҳажми 70 (вв. 263*а*–332*б*) варақ. Асар форс тилида ёзилган бўлиб, “Шариат ва тариқат нима? Жавоб: Шариат зоҳирийдир, тариқат ботинийдир” каби савол-жавоб шаклида тузилган. Асарнинг охири йўқ, кодикологик жиҳатига кўра, 739/1338 йилда кўчирилган. Мажмуадаги еттинчи асар араб тилида дуоларга оид (الأدعية المأثورة) бўлиб, ҳажми 46 (вв. 336*а*–381*б*) варақ, чиройли насх хатида ёзилган. Кўчирилган даври, тахминан, XVII асрга тегишли.

“Фатаво ал-Кабирий” асарининг навбатдаги нусхаси №1544 рақами остида сақланади. Мазкур қўлёзма ҳам тўплам бўлиб, унда иккита асар мавжуд. Биринчиси, Али ибн Муҳаммад Али ибн Али ал-Хоразмийнинг “Фатавои аш-Шайбоний” (“Шайбоний фатвоси”) асари (вв. 1*б*–212*а*). Унинг форзац варақларида фиҳрист берилган. Тўпламдаги иккинчиси асар Кабир ибн Кабир ад-Дизақийнинг “Фатаво ал-Кабирий” асари (вв. 213*б*–283*а*). Қизиғи, асарнинг мазкур нусхасида муаллиф ёзган муқаддима қисми мавжуд эмас. Шунингдек, қўлёзманинг 213а варағида асар номи “Фатово Кабириддин Самарқандий” шаклида берилган. Демак, асар қайсидир ҳудудда мана шу ном билан ҳам юритилган.

Қўлёзманинг кўплаб варақларида майда тешиклар бўлиб, матнга таъсир этган ўринлари ҳам бор. Шунинг учун қўлёзманинг айрим варақлари (масалан, 1–3, 216, 223–246 ва ҳк.) таъмирланган. Қўлёзма намликдан зарар кўрган, бунга қоғоздаги доғлар далолат қилади. Унга замонавий муқова ишланган. Қоғози юпқа ва оқишроқ, қора сиёҳ билан майда чиройли насх хатида кўчирилган. Кўплаб варақларига безакли муҳр қўйилган. Унда: “Воқиф (вақф қилувчи) лашкар Қушбеги 1244/1828–29”, деган қайд мавжуд. Тўпламнинг 1а варағида учта овал шаклда бир ҳил муҳр босилган бўлиб, унда Муҳаммад Зиё махдум Аълам ибн Мулло Мир Фазлиддин Ҳусайний 1281/1864–65, ёзуви бор. Бундан вақф қилинган бу китоб кейинчалик, Муҳаммад Зиё махдум Аълам 1281/1864–65нинг қўлёзмага босган муҳрига кўра, унинг шу китоб соҳибига айланганини кўрсатади [8: 1*а*].

Юқоридаги маълумотлардан маълум бўладики, “Фатаво ал-Кабирий” асари алоҳида жилдда ёзилмаган, балки “Фатаво аш-Шайбоний” ва “Фатаво ал-Аминий” каби фатвога оид асарлар билан бирга, асосан, XIV, XVI, XVII, XVIII асрларда Мовароуннаҳр ҳудудида кўчирилган. Агар бир жилдда бир неча асар бўлса, демак мазкур қўлёзма тўплами ўз даврида муаййан инсонлар жамоаси учун таълим услубини (манҳаж) бажарган бўлиши мумкин. Яъни ислом таълимотини ўзлаштиришда юқоридаги тўпламдан ўрин олган асарлар манбавий асос бўлиб хизмат қилган. Шу ўринда, “Фатаво ал-Кабирий” асари ҳам амалдаги масалалар учун муфтий, аълам ва қозилар учун дастуруламал вазифасини бажарган дейиш мумкин. “Фатаво ал-Кабирий” асаридан кейинги давр қози ва муфтийлари унумли фойдаланишган. Масалан,

Аштархоний даврида Муҳаммад Шариф Бухорий (XVII) томонидан қозилик ишларини юритиш мақсадида дастуруламал қилиб тузилган *жўнг* тўпламида бошқа фиқҳий асарлар қаторида “Фатаво ал-Кабирий” асаридан бир неча иқтибослар келтирилган [16: 7*б*, 35*б*, 37*а*, 37*б*, 50*а*, 59*а*, 434*а*, 440*а*, 446*а*, 465*б*, 548*б*].

Кабир ибн Кабир ад-Дизақийнинг “Фатаво ал-Кабирий” асари Мовароуннаҳрда мўғуллар даврида ёзилган ва ўзида кўплаб фатволарни қамраб олган ҳанафийликдаги муҳим асарлардан бири ҳисобланади. Асарни ёзишда муаллиф, асосан, маҳаллий ҳанафий мактаби вакилларининг элликдан ошиқ асарларига таяниб саволларга жавоб берган. Шунингдек, муаллиф ўз устозининг фатволаридан ҳам кенг фойдаланган. “Фатаво ал-Кабирий” асаридан хонликлар даврида тузилган *жўнг* деб номланувчи фиқҳий масалалар тўпламларида асосий манбалар қаторида фойдаланишган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аминов Ҳ., Примов С. Ҳанафий фиқҳи тарихи, манабалари ва истилоҳлари (Фиқҳ фанидан ўқув қўлланма). Тошкент, 2017.
2. Асророва Л. Алоуддин Бухорий “Ҳайрату-л-фуқаҳо” асарининг ислом манбашунослигида тутган ўрни. Тар. фан. бўй. фал. док. (PhD). дисс... Тошкент, 2019.
3. Атаев М. Ал-Уструшаний яшаган давр. Мўғуллар истилоси: Фақиҳ ва фиқҳ тақдири // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Тошкент, 2009. № 4. Б. 280–287.
4. Бартольд В.В. Сочинения. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Том I. Москва, 1963.
5. Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. Тошкент. 1977.
6. Кабир ибн Кабир ад-Дизақий. “Фатаво ал-Кабирий”. ЎзР ФА ШИ Асосий фонд қўлёзмаси, инв. № 2574.
7. Кабир ибн Кабир ад-Дизақий. “Фатаво ал-Кабирий”. ЎзР ФА ШИ Асосий фонд қўлёзмаси. инв. № 3185.
8. Кабир ибн Кабир ад-Дизақий. *Фатаво ал-Кабирий* ЎзР ФА ШИ Асосий фонд қўлёзмаси, инв. 1544.

9. Кабир ибн Кабир ад-Дизақий. *Фатаво ал-Кабирий* ЎзР ФА ШИ Асосий фонд қўлёзмаси, инв. № 3132.
10. Мансуров А., Атаев М. Уструшана минтақасидан чиққан олимлар // Имом ал-Бухорий сабоқлари. Тошкент. 2008. № 2. Б. 95–98.
11. Муҳаммад ибн Маҳмуд Уструшаний. Жомиъ аҳком ас-сиғор. (Бола ҳуқуқлари кодекси) /нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи М. Атаев. Тошкент, 2021.
12. Насруллаев Н. Убайдуллоҳ ибн Масъуд Садр аш-Шариъа ал-Бухорийнинг ҳанафий фақиҳи сифатидаги фаолияти // The Light of Islam. Тошкент, 2023. № 4. Б. 19–27.
13. Негматов Н.Н. Историко-географический очерк Усрушаны с древнейших времен по X в.н.э. // МИА. Вып. 37. Москва–Ленинград, 1953.
14. Собрания Восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР (каталог). Т. VIII / под редакцией и при участии А.А. Семенова и Д.Г Вороновского. Ташкент, 1967.
15. Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал-Маҳбубий ал-Бухорий. Мухтасар ал-виқоя [маъ жўнг]. ЎзР ФА ШИ Асосий фонд қўлёзмаси, инв. № 10727.
16. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3 жилд. Тошкент, 2001.
17. Қуръон карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: А. Мансур, Тошкент.
18. أبو إسحاق إبراهيم بن محمد الفارسى الإصطخرى المعروف بالكرخى. "مسالك الممالك". ط. لكدوني بتوارم. ١٨٧٠ م
19. محمد بن أحمد بن أبى بكر المقدسى. "أحسن التقاسيم فى معرفة الاقاليم". ط. ليدن ١٩٠٩ م

С. Муҳаммадаминов

ЎзР ФА ШИда сақланаётган мўғуллар даврига оид “Фатаво ал-Кабирий” қўлёзма асари ва унинг нусхалари

Мақолада ЎзР ФА ШИ сақланаётган ва мўғуллар даврида ёзилган Кабир ибн Кабир ад-Дизақий ас-Самарқандийнинг (XIV) “Фатаво ал-Кабирий” фатво тўплами ва унинг қўлёзма нусхалари ҳақида сўз боради. Ушбу савол-жавоб шаклида тузилган фатво тўплами муқаддима қисмининг мазмун-моҳияти баён қилинган. Унда

юртга мўғуллар келгандан кейин Самарқанд вилоятидаги ҳолати тасвирлаб берилган.

“Фатаво ал-Кабирий” тўпламининг таркибий тузилиши ва мавзулари ҳақида баён қилиниб, унда анъанавий фиқҳий асарларда мустаҳкам ўрин олган айрим мавзулар киритилмагани кўрсатиб берилди. Шунингдек, асарда берилган масалаларнинг адади мавжуд қўлёзма нусхалардаги мавзулар кесимидаги фарқли жиҳатлари жадвал шаклида кўрсатилди. Муаллиф “Фатаво ал-Кабирий” тўпламини яратишда асосан маҳаллий ҳанафий мактаб вакилларининг 50 дан ошиқ манбаларига ишора қилганини кўрамиз. Мавжуд “Фатаво ал-Кабирий” асарининг тўртта қўлёзма нусхаси алоҳида жилд шаклида эмас, балки бошқа асарлар билан бирга тўплам таркибидан ўрин олган ва ушбу йиғма асарлар тўпламлари фойдаланувчига (муфтий, қози, мударрис ва илми толиб) “кичик кутубхона” вазифасини ўтаган.

Калит сўзлар: *Фатаво ал-Кабирий, Кабир ибн Кабир, қўлёзма, нусха, тўплам, масала, фатво, фиқҳ, ҳанафий, мўғуллар даври.*

С. Мухаммадаминов

Сборник фетв монгольского периода «Фатава ал-Кабири» и его списки, хранящиеся в фонде ИВ АН РУз

«Фатава ал-Кабири» («Правовые заключения ал-Кабири») – сборник фетв, который был создан видным знатоком ислама своего времени Кабиром ибн Кабир ад-Дизаки ас-Самарканди (XIV век) в период монгольского владычества в Средней Азии. Институт востоковедения Академии наук Республики Узбекистан (ИВ АН РУз) располагает несколькими рукописными списками этого произведения, которые, однако, в других рукописехранилищах не встречаются. Настоящая статья посвящена общей характеристике данного сборника и сопоставительному анализу его списков из коллекции ИВ АН РУз. Структурно данный сборник был выстроен таким образом, что представляет собой последовательность вопросов и ответов к ним. Кроме того, в сборнике имеется авторское предисловие, в котором описывается общая социально-политическая и религиозная ситуация в Самарканде и его окрестностях после монгольского завоевания. Автор статьи акцентирует внимание на структурном и тематическом

устройстве сборника, выявляет, что в его состав не вошёл ряд тем, которые в более ранний период были неотъемлемой частью традиционных трудов по ханафитскому фикху. В результате табличного сопоставления правовых вопросов (*ал-маса'ил ал-фикхийа*), представленных в каждом из тематических разделов анализируемых списков данного сборника, были определены их отличительные черты и показано отсутствие сохранения презумпции текста по отношению списков друг к другу. Вместе с тем было определено, что автор «Фатава ал-Кабири» при составлении своего сборника ссылался на более чем пятьдесят произведений, абсолютное большинство которых относится к местной ханафитской школе права.

Таким образом, имеющиеся в фонде ИВ АН РУз четыре рукописных списка «Фатава ал-Кабири» представляют собой не отдельные самостоятельные тома, а наряду с другими произведениями включались в сборные тома (*джилд/маджму'а*) и тем самым служили «мини-библиотекой» для своего пользователя, будь то юрисконсульт (*муфтий*), судья (*кади*), преподаватель медресе (*мударрис*) или студент (*талиб ал-'илм*).

Ключевые слова: *Фатава ал-Кабири («Правовые заключения ал-Кабири»), Кабир ибн Кабир, ИВ АН РУз, рукописный список, сборник (джилд/маджму'а), юридические вопросы, фетвы, ханафитский фикх, монгольский период.*

S. Muhammadaminov

The collection of "Fatawa al-Kabiri" fatwas of the Mongolian period and its copies in the funds of the Abu Rayhan Biruniy Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Sciences

"Fatawa al-Kabiri" ("Legal Opinions of al-Kabiri") is a collection of fatwas that was created by Kabir ibn Kabir al-Dizaki al-Samarqandi (14th century), a prominent Islamic scholar in Central Asia during the Mongol period. There are several transcripts of this collection preserved at the Abu Rayhon Biruniy Institute of Oriental Studies, the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. These transcripts have not been found in any other manuscript libraries.

Firstly, we should focus on the structural and thematic arrangement of the collection. This manuscript consists of a series of questions and answers structurally. In addition, the author's preface describes the general socio-political and religious situation in and around Samarkand after the Mongol conquest. It can be revealed that the manuscript does not contain some topics, which were an integral part of traditional works on Hanafi *fiqh* in the earlier period. As a result of the tabular comparison of legal issues (*al-masa'il al-fiqhiyya*) presented in each of the thematic sections of the analyzed transcripts of this collection, their distinctive features are determined. It is shown that there is no presumption of the text about each other. There are more than fifty works quoted by the author of "*Fatawa al-Kabiri*", the overwhelming majority of which belong to the local Hanafi school of law.

The four transcripts of "*Fatawa al-Kabiri*" preserved at the Abu Rayhon Biruniy Institute of Oriental Studies are now available to scholars. The volumes (*jild/majmu'a*) of transcripts are not independent, other works are also included. Thus, "*Fatawa al-Kabiri*" can serve as a "mini-library" for its users, such as a jurisconsult (*mufti*), a judge (*qadi*), a madrasa teacher (*mudarris*) and a student (*talib al-'ilm*).

Keywords: *Fatawa al-Kabiri ("Legal Conclusions of al-Kabiri"), Kabir ibn Kabir, the Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Sciences, manuscript copies, collection (jild/majmu'a), legal issues, fatwas, Hanafi fiqh, Mongol period.*

Бизнинг муаллифлар

1. **Абдуллаев Ботиржон Қосимович –** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
2. **Абдуҳалимов Баҳром Абдураҳимович** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори.
3. **Акрамова Шоира Мухамедаминовна** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
4. **Бобоёров Ғайбулла Боллиевич –** тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Миллий археология маркази илмий ишлар бўйича директор ўринбосари.
5. **Воҳидова Комила Абдуллозизовна** – тарих фанлари номзоди, доцент, Наманган давлат университети докторанти.
6. **Исмаилова Жаннат Ҳамидовна** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори.
7. **Камолиддинов Фаррух Бурҳониддин ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
8. **Каримова Наталья Эрмановна** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти бўлим мудири.
9. **Мадалиева Ойсара Рустамовна** – филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.

10. **Мирзаева Мафтуна Муродилло қизи –** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
11. **Муҳаммадаминов Саидакбар Абдурашидович –** тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.
12. **Остонов Жаҳонгир Давлатович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
13. **Сувонкулов Музаффар Заирович** – Гулистон давлат университети таянч докторанти.
14. **Усмонов Иброҳим Собирович –** тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти докторанти.
15. **Эшонова Салимахон Нишонбек қизи** – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти бўлим мудири.

Наши авторы

1. **Абдуллаев Ботирджан Косимович –** младший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
2. **Абдухалимов Бахром Абдурахимович** – доктор исторических наук, профессор, вице-президент Академии наук Республики Узбекистан, директор Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
3. **Акрамова Шоира Мухамедаминовна** – младший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
4. **Бабаяров Гайбулла Боллиевич –** доктор исторических наук, профессор, заместитель директора Национального археологического центра Академии наук Республики Узбекистан.
5. **Вохидова Комила Абдуллазизовна** – кандидат исторических наук, доцент, докторант Наманганского государственного университета.
6. **Исмаилова Жаннат Хамидовна** – доктор исторических наук, профессор, директор Государственного музея истории Узбекистан Академии наук Республики Узбекистан.
7. **Камолиддинов Фаррух Бурханиддин угли** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
8. **Каримова Наталья Эрмановна** – доктор исторических наук, профессор, заведующая отделом Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
9. **Мадалиева Ойсара Рустамовна** – доктор философии по филологии (PhD), старший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.

10. **Мирзаева Мафтуна Муродилло кизи –** базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
11. **Мухаммадаминов Саидакбар Абдурашидович –** кандидат исторических наук, старший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
12. **Остонов Джахонгир Давлатович** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
13. **Сувонкулов Музаффар Заирович** – базовый докторант Гулистанского государственного университета.
14. **Усмонов Иброхим Собирович –** кандидат исторических наук, доцент, докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
15. **Эшонова Салимахон Нишонбек кизи** – кандидат филологических наук, заведующая отделом Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.

Ours authors

1. **Bahrom A. Abduhalimov –** Doctor of Science (in History), professor, vice-present of Uzbekistan Academy of Scince, Director of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
2. **Botirjon Q. Abdullaev** – Junior Researcher of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
3. **Farrukh B. Kamoliddinov** – PhD student of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
4. **Gaybulla B. Boboyorov** – Doctor of Science (in History), professor, Deputy Director of the National Archaeological Center of Uzbekistan Academy of Scince.
5. **Ibrohim S. Usmonov –** Candidate of Historical Sciences, associate professor, DSc student of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
6. **Jahongir D. Ostonov –** PhD student of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
7. **Komila A. Vohidova –** Candidate of Historical Sciences, Associate Professor, DSc student of Namangan State University.
8. **Maftuna M. Mirzayeva** – PhD student of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
9. **Muzaffar Z. Suvonkulov –** PhD student of Gulistan Satate University.
10. **Natalia E. Karimova –** Doctor of Science (in History), professor, head of department of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
11. **Oysara R. Madalieva –** PhD in Philology, Senior Researcher of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
12. **Saidakbar A. Muhammadaminov –** Candidate of Historical Sciences, Senior Researcher of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.

13. **Salimakhon N. Eshonova** – Candidate of Philology Sciences, head of department of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
14. **Shoira M. Akramova** – Junior Researcher of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
15. **Zhannat Kh. Ismailova** – Doctor of Science (in History), Professor, Director of the State Museum of History of Uzbekistan of Uzbekistan Academy of Sciences.